

## **МИСР ВА СУРИЯ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ҲАРБИЙЛАРНИНГ ЎРНИ**

Дунё мамлакатларида армиянинг роли бир-биридан кескин ажралиб туради. Кўпгина бошқа араб давлатлари каби Миср ва Сурияда армия жамият онгида мамлакат хавфсизлиги ва суверенитетининг бош омили сифатида қабул қилинади ҳамда сиёсий ҳаётга кучли таъсир кўрсатади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, зеро ҳарбийлар омили минтақа мамлакатларининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Армиянинг араб мамлакатларида бу қадар муҳим аҳамият касб этишида мустамлакачиликдан халос бўлиш учун кураш ва “совуқ уруш” даврларининг ўрни катта. Икки қутбли дунё тизими Собик Иттифоқ ва АҚШни янги ҳамкорлар излашга ундади ва бунда улар бирор давлатни нейтрал қолдирмасликка ҳаракат қилдилар. Бу икки қудратли мамлакат “учинчи дунё” мамлакатларига мисли кўрилмаган ёрдам дастурларини таклиф этдилар, уларни қурол билан таъминладилар, ҳарбий маслаҳатчиларни жўнатиб офицерларга таълим бердилар – бунинг эвазига эса табиий ресурслар ва сиёсий хайрихоҳликни кутдилар<sup>1</sup>.

Ҳарбий карьера кам таъминланган лекин интилувчан ёшлар учун юқори мавқега кўтарилиш учун ижтимоий лифт вазифасини бажарди. Янги авлод ҳокимиятни мустамлака буржуа ва зодагонлар қўлидан тортиб олар экан буни у ҳуқуқшунос, муҳандис бўлиб эмас айнан ҳарбий бўлиб амалга оширди.

Бугунги кунда Мисрда армия жамият тизимининг муҳим сиёсий унсури бўлиб, бевосита барча ижтимоий жараёнларда иштирок этади. У маълум синф ёки маълум ижтимоий гуруҳ қизиқишларига мувофиқ тарзда ривожланиш йўли танловига объектив таъсир кўрсатади. Миср армиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири армиянинг мамлакат иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқлигидир.

1922 йил 28 февралда Буюк Британия протекторатини бекор қилиш тўғрисидаги бир томонлама декларациянинг қабул қилиниши мустақил Мисрнинг ривожланиш даврини бошлаб берди (1914 йил 19 декабрда Буюк Британия Мисрни ўзининг протекторати деб эълон қилган, I жаҳон уруши ғолиб давлатлари 1919 йил апрелда

---

<sup>1</sup> Бурмистров П. Армия решает все. [http://expert.ru/russian\\_reporter/2011/46/armiya-reshaet-vse/](http://expert.ru/russian_reporter/2011/46/armiya-reshaet-vse/)

Британиянинг ушбу мақомини эътироф этган) ва уни “мустақил ва суверен” деб тантанали суратда эълон қилди.

1922 йили мустақилликнинг расмий қўлга киритилишидан сўнг Миср қуролли кучлари британияликлар назоратига ўтди. Бу жараён 1936 йилга қадар давом этди. 1936 йил - Миср армиясининг қайта туғилиш йили бўлди, бу йилда улар Буюк Британия билан 1938 йилда британиялик офицерларнинг Миср армияси сафидан узил-кесил чиқишини кўзда тутувчи шартномани имзоладилар<sup>2</sup>.

II жаҳон урушигача Миср армиясига деҳқон, қуйи мансабдаги амалдорлар оилаларидан келиб чиққан янги авлод офицерлари келиб қўшилдилар. Ёш офицерларнинг катта қисми миллий руҳда ва Буюк Британияга қарши кайфиятда эди. 1939 йилда Мисрни ажнабийлар ҳукмдорлигидан батамом озод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган офицерлар ташкилоти тузилди. Бу ташкилот 1942 йилда тўлиқ шаклланди ва “Озод офицерлар” номини олди<sup>3</sup>.

II жаҳон урушидан кейинги йилларда Миср мамлакат ҳудудидан инглиз ҳарбий базаларини чиқариб юбориш бўйича бир неча бор муваффақиятсиз яқунланган уринишларни амалга оширди. Шунга қарамасдан, Мисрнинг асосий офицерлик тузилмаларини британиялик ҳарбийлар тайёрлардилар ва тайёргарлик жараёни билан мувофиқ тарзда сиёсий қарашлар ҳам шаклланиб борарди. Бу ҳолат ҳокимиятнинг оммавий намоёнишларни бостиришда армиядан фойдаланишига қўл келарди.

1948 йил майида Миср 1948-1949 йилларда давом этган араб-исроил урушидаги иштирокини бошлади. Бу уруш арабларнинг мағлубияти билан тугаб, ярим мустамлака монархия тузумининг ожизлигини фош этди. Бу пайтга келиб Мисрда қироллик ҳокимияти ва жамият ўй-фикрлари ўртасида узилиш бор эди. Буни чуқур фаҳмлаган зиёлилар инқилобий кайфиятда бўлса ҳам бироқ уни намоён этувчи ўз ташкилотига эга эмасдилар. “Озод офицерлар” ўзларининг муҳим ғояларини мана шу зиёлиларнинг мафкуравий арсеналидан олдилар. Аграр соҳани ислоҳ қилиш ва инглиз қўшинини эвакуация қилиш каби энг долзарб муаммолар ўз ечимини топмаган эди. Ҳарбий етакчилар мана шу муаммоларни ечиш зарурияти қаршисида намоён бўлдилар ва уларнинг кейинги ҳам ички, ҳам халқаро муносабатлардаги хатти-ҳаракатлари инқилобий йўналишда шаклланиб бўлган эди<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Куделев В. Роль армии в жизни Египта. Часть 1. <http://bmpd.livejournal.com/558900.html>

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Мирский Г.И. Армия и политика в странах Азии и Африки. Издательство “Наука”, Москва, 1970, ст. 310.

Ниҳоятда кескин, мураккаб ички сиёсий кураш шароитида тараққийпарвар кайфиятидаги “Озод офицерлар” ташкилотига аъзо офицерлар гуруҳи 1952 йил 23 июлда Жамол Абдуносир томонидан ишлаб чиқилган инқилобий тўнтаришни содир этди. Мана шу кундан бошлаб армия узок муддатга Миср сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи унсурга айланди. Анвар Садат ва Ҳусни Муборак даврида ҳам армиянинг Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ўзгармасдан қолаверди. Сўнгги йилларда бўлиб ўтган “араб баҳори” ва ундан кейинги воқеалар Миср жамиятида армиянинг ўрни нақадар кучли эканлигини тасдиқлади. Бу юқоридаги фикрларимизнинг яққол мисолидир.

Мисрдаги каби Сурияда ҳам ҳарбийлар жамиятда тарихан юқори мавқега эга. Сурия армиясининг ўзига хос хусусияти сифатида олий кўмондонларининг араб дунёсида кенг тарқалган антиамериканизм ғоясини кўллаб-қувватлагани туфайли шуҳрат қозонганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сурияда ҳарбийларнинг давлат бошқарувидаги роли араб мамлакатлари ўлчовлари билан қараганда ҳам жуда юқори. Лекин армия даставвал бу қадар мастаҳкам мавқега эга эмас эди. Арабларнинг Исроил билан мунтазам давом этган можароларида фуқаролик институтларининг ожиз томони кўриниб қолди ва бу ҳарбийларни Сурия сиёсий сахнасига олиб чиқди. 1946 йилда кўлга киритилган мустақиллик пайтидан бошлаб 1971 йилда Ҳофиз Асаднинг ҳокимият тепасига келгунига қадар мамлакатда кўплаб ҳарбий тўнтариш амалга оширилди. Кейинги 40 йилда эса Сурияда ҳокимият бир боргина алмашди.

Деярли ярим аср ҳарбий тўнтаришларсиз кечган давр худдики Сурия жамиятида армиянинг роли сусайиб қолгандек таассурот уйғотиши мумкин. Аслида эса бу роль янада ошди. Суриянинг ўзига хослиги шундаки, армия ва мамлакатдаги ҳокимият диний жиҳатдан озчиликни ташкил этган алавийларга тегишлидир. Улар диндорларнинг 10-15 фоизини ташкил этса-да, давлат ва партия аппаратида асосий лавозимларни эгаллайдилар. Армияда эса, айниқса армиянинг махсус бўлинмаларида уларнинг сони жуда салмоқлидир. Сурия армиясида ягона ва жипслашган диний жамоанинг етакчилиги уни бошқаришни осонлаштирди ва ички низоларни бартараф этди<sup>5</sup>.

Ҳофиз Асад шунчаки замонавий Сурияни яратган президент бўлиб қолган эмас. У ўтган асрнинг бутун охириги чораги давомида Ёсир

---

<sup>5</sup> Бурмистров П. Армия решает все. [http://expert.ru/russian\\_reporter/2011/46/armiya-reshaet-vse/](http://expert.ru/russian_reporter/2011/46/armiya-reshaet-vse/)

Арофат ёки Иорданиянинг марҳум кироли Ҳусайн сингари Яқин Шарқ сиёсатининг рамзларидан бири бўлди<sup>6</sup>.

Шарқшунос олим Г.И.Мирский шундай дейди: “Тарихда ҳокимият тепасида аҳолининг катта қисми қўллаб турган ҳукумат турганда армия муваффақиятли тўнтаришни амалга оширган бирор ҳолат бўлмаган. Бу шуни англатадики, тўнтариш аввало армияда эмас жамиятда илдиз отади”<sup>7</sup>. Миср ва Сурия ҳарбийларнинг ҳокимиятни қўлга олишида айнан ушбу омил етакчи бўлди. Зеро, араб-исроил уруши давом этиб турган бир паллада давлатнинг суверенитетини таъминлаш учун кучли рақибга қарши курашиш талаб этиларди. Мавжуд ҳукумат эса бундай мураккаб вазифани уддалай олмасди. Ана шундай муҳим паллада ҳар икки мамлакатда ҳарбийлар тўнтариши содир бўлди ва жамият уларнинг сиёсий ҳокимиятини қўллаб-қувватлади.

Сурияда сўнгги йилларда бўлаётган воқеалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кучли армия - мамлакат бирлигининг асосий манбаидир. Агар Сурияда Башар Асад ва унга содиқ марказий давлат аппаратига бўйсинадиган армия бўлмаганда, ҳозир мамлакатда ким ҳокимият тепасига келган бўлар эди?! МАР мисолида ҳам айнан юқоридаги фикрларни айтиш мумкин. Миср ва Сурияда бўлиб ўтган сўнгги сайловларда ҳарбийларнинг муваффақият қозониши араб жамиятининг ҳали-ҳамон армияга бўлган ишончи баланд эканлигини намоён этмоқда.

---

<sup>6</sup> Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012, 37 бет.

<sup>7</sup> Мирский Г.И. Армия и политика в странах Азии и Африки. Издательство “Наука”, Москва, 1970, ст. 299.